


I. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йил январь-декабрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 5743,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 111,9 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,5 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 94 %и), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 4,4 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,3 %и), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 7,1 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 4,3 %и) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 93,2 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,3 %и) ўсиши ҳисобланади.

Январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган
Саноат маҳсулоти турлари
(йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- декабрь	2017 й январь- декабрьга нисбатан % да
Шебень ишлаб чиқариш	тн	2993,0	249,2
Шағал ишлаб чиқариш	тн	25559,0	123,8
Пахта толаси	тн	55248,0	97,5
Пахта чигити	тн	80822,0	90,2
Пахта тивити (линт)	тн	3883,0	97,6
Тайёр шойи газламалар ишлаб чиқариш	минг м2	61,3	73,0
Омухта ем ишлаб чиқариш	тн	65851,0	96,9
Кунжара ишлаб чиқариш	тн	57401,0	101,4
Соапсток ишлаб чиқариш	тн	2016,0	133,7
Миллий нон ишлаб чиқариш (лепешка)	тн	76,2	117,1
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	тн	116362,0	106,8
Йирик шохли қорамол, чўчқа, қўй, эчки, отсимонлар оиласига кирувчи хайвонлар гўшти, янги сўйилган ёки совитилган	тн	1,1	100,0
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракция-лари (кимёвий модифи-кация қилинганларидан ташқари)	тн	12519,0	86,0
Ишлов берилган суюқ сут	тн	7,5	93,8
Минерал сув ишлаб чиқариш	минг. л.	74621,0	70,7
Узум виноси	минг. л.	1526,0	134,9
Ароқ	минг.л.	1042,0	84,0


**2018 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари
бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, % да</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	5743,7	111,9
Фойдали қазилмалар қазиб олиш (тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш) маҳсулотлари	18,8	104,4
Ишлаб чиқарадиган саноат	5398,6	111,5
<i>ундан:</i>		
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1238,3	97,3
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2326,7	111,0
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	154,4	113,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	2,4	105,9
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	153,5	123,9
Электр жихозлар ишлаб чиқариш	200,3	145,5
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	200,2	102,6
Металлургия саноати	76,0	125,3
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш, машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	513,4	100,9
Бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш	533,4	102,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	249,8	107,1
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	76,5	193,2


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан (106,0 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 66,5 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби (жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)



2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 66,7 % дан 2018 йил январь-декабрь ойларида 67,3 % га ошиши кузатилмоқда.

Шу билан бирга 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 33,3 % дан 2018 йил январь-декабрь ойларида 32,7 % га камайиши кузатилмоқда

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида пиво ва спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ҳажми 26,7 млрд.сўмни ташкил қилиб ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 93,1 %ни ташкил қилди.


Ноозиқ-овқат истемол товарлари таркибида тўқимачилик ҳамда кийим кечак ишлаб чиқариш ҳажми 1375,3 млрд.сўмни ташкил қилиб, мос даврга нисбатан ўсиш суръати 109,0 %ни ташкил қилди.

Туман(шаҳар)ларнинг саноат ишлаб чиқариши

Туман(шаҳар)ларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Мингбулоқ (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 132,7 % га), Наманган тумани (118,3 % га), Наманган шаҳри (115,8 % га), Поп (118,7 % га), Косонсой (110,5 % га) туманларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

Туман(шаҳар)лар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари


*(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)*



Худудлар ичида ўсиш суръати паст даражада бўлган Янгиқўрғон (100,2 %га), Чортоқ (101,2 % га), Учқўрғон (100,5 %га) ўсанлигини кўзатиш мумкин.

Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Наманган шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 41,1 % улушини), Наманган тумани (9,7 %), Учқўрғон (8,7 %), Тўрақўрғон (8,5 %), Уйчи (7,1 %), Поп (4,5 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Туман(шаҳар)ларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши %да
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Шу билан бирга энг кам улуши Чуст (3,0 %), Мингбулоқ (2,3 %), Норин (2,4 %), Чортоқ (1,7 %) ва Янгиқўрғон (1,2 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.


Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	Саноат маҳсулотлари, (млрд. сўмда)	2017 йил январь- декабрь ойига нисбатан, % да	Истеъмол товарлари, (млрд. Сўмда)	2017 йил январь- декабрь ойига нисбатан, % да
Вилоят жами	5743,7	111,9	3817,6	106,0
Наманган ш.	2707,5	115,8	1835,1	108,9
Мингбулоқ	133,5	132,7	36,7	101,4
Косонсой	201,4	110,5	164,9	102,9
Наманган т	556,3	118,3	401,8	104,7
Норин	135,0	101,6	80,3	100,5
Поп	272,9	118,7	117,0	103,6
Тўрақўрғон	486,7	107,7	311,3	105,1
Уйчи	407,4	103,3	251,7	104,5
Учқўрғон	500,4	100,5	333,2	102,8
Чортоқ	98,5	101,2	80,3	100,5
Чуст	173,4	104,1	136,2	101,1
Янгиқўрғон	70,7	100,2	69,0	100,5

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Наманган шаҳрида (4466,4 минг сўм), Наманган туманида (3221,0 минг сўм), Учқўрғон (3001,8 минг сўм) ва Тўрақўрғон (2228,6 минг сўм) туманларида ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (1470,7 минг сўм) юқорилигини кўрсатмоқда.

**Туман(шаҳар)лар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**



Туман(шаҳар)лар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Наманган шаҳрида (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 113,7 % га), Мингбулоқ (130,3 % га) ва Наманган (115,8 % га) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, Чортоқ (99,3 %) ва Учқўрғон (98,7 %) туманларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,1 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 68,5 % ни ташкил этмоқда.

Туман(шаҳар)лар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Янгиқўрғон ва Чортоқ туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Косонсой (85,8), Наманган (86,1 %), Уйчи (80,1 %) ва Чуст (70,5 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мингбулоқ (28,3 %), Поп (29,4 %) туманларида кузатилди.

